

“КАСБ” СЕМАЛИ АССОЦИАТИВ МАЙДОНЛАР ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРИНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ

Наргис Абдуллаевна Хошимова

Фарғона давлат университети доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7377712>

Аннотация. Ушбу мақолада ассоциатив майдоннинг когнитив қатламларига эътибор қаратилади. “Санъат” архисемасига тааллуқли “касб” семали ассоциатив майдонлари лексик бирликларининг когнитив слотлари тадқиқ қилинади. Когнитив қатламлари лексик бирликларининг таҳлилида ассоциатив методдан унумли фойдаланилди. “Касб” семали ассоциатив майдонларнинг концептуаллаштириши ва категориялаштириши жараёнида гуруҳлари аниқланди.

Калим сўзлар: ассоциация, концептуаллаштириши, категориялаш, когнитив слот, сема, майдон, ассоциатив тажриба.

КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ АССОЦИАТИВНЫХ ПОЛЕЙ ТИПА "ПРОФЕССИЯ"

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется когнитивным слоям ассоциативного поля. Изучаются когнитивные слоты лексических единиц ассоциативного поля «профессия», относящиеся к архисеме «Искусство». Ассоциативный метод эффективно применялся при анализе лексических единиц когнитивных пластов. В процессе концептуализации и категоризации были выделены группы ассоциативных полей с семой «профессия».

Ключевые слова: ассоциация, концептуализация, категоризация, когнитивный слот, схема, поле, ассоциативный опыт.

COGNITIVE ANALYSIS OF LEXICAL UNITS OF ASSOCIATIVE FIELDS OF "PROFESSION" TYPE

Abstract. This article focuses on the cognitive layers of the associative field. The cognitive slots of the lexical units of the associative field of the "profession" related to the archiseme "Art" are studied. The associative method was effectively used in the analysis of lexical units of cognitive layers. In the process of conceptualization and categorization, groups of associative fields with the seme "profession" were identified.

Keywords: association, conceptualization, categorization, cognitive slot, schema, field, associative experience.

КИРИШ

Ассоциациялар маълум бир маданият лексик бирликларининг онгдаги ифодасини ёрқин таърифлайди. Ассоциатив тажрибалар олам манзарасини, тил жамиятининг “концептосферасини”, луғат бирликларининг маданий ўзига хослигини белгилайди. Олам манзараси инсоннинг атроф-муҳит, бизни қуршаб турган олам билан муносабатини белгилайди[1].

Ассоциатив майдонларнинг когнитив қатламлари тадқиқида категориялаш ва концептуаллаш каби жараёнларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Б.Акбердиева ҳар қайси табиий тил оламини ташкил этишини, яъни тилда олам концептуаллаштирилишини таъкидлайди[2].

Концептуаллаштириш киши тажрибасининг категориал бирликларини юзага чиқариш билан боғлиқ бўлса-да, категориялашда асосан бирликларни мазмуний белгиси бўйича йирикроқ категорияларга киритишга эътибор қаратилади[3].

Мазкур мақолада когнитив қатламларни концепт ёрдамида ифодалашда фрейм ва слотлар орқали ассоциатив майдон лексемалари маълум категорияларга бўлинди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ассоциатив майдон реакцияларини анъанавий тарзда, яъни парадигматик ва синтагматик муносабатлар орқали таҳлил этиш тил имкониятларини, уларнинг грамматик ва мазмуний талқин этишга имконият беради. Лекин бундай таҳлил орқали тилда асосий бўлган тушунча ва концепт масаласи четда қолади. Шунинг учун ассоциатив майдонларнинг когнитив аспектда таҳлил этиш ва уларнинг фреймларини ажратиб, когнитив қатламларига бўлиб чиқиш ҳозирги давр муҳим масалаларидан бири бўлиб келмоқда[4].

Ассоциатив майдонларни когнитив аспектда бир бутун тизим сифатида ўрганиш масалаларида фрейм тушунчасига таянамиз. Фрейм – мураккаб схема бўлиб, бир миллат ёки шахснинг олам ҳақида билимини ўзида мужассамлантиради. Фрейм кластерлар йиғиндисини намоён этади, ҳар бир фрейм слотлар, яъни қатламлардан иборат бўлиши мумкин. Фреймлар конвенционал табиатли бўлиб, маълум бир жамиятнинг этномаданий хусусиятларини ифодалайди. Фреймлар индивидуал билимга эга бўлиб, реалликни ифодалаш учун хизмат қилади[5]. Шунинг учун фреймлар ассоциатив майдон реакцияларини таърифлашда қулай усул ҳисобланади.

НАТИЖА ВА УНИНГ МУХОКАМАСИ

“Санъат” концептига тааллуқли сўзларнинг реакцияларини таҳлил этишда биз буларнинг когнитив қатламларга бўлиш учун фреймлар ишлаб чиқдик. “Санъат” архисемали лексемаларининг тадқиқида касб англатувчи сўзларнинг ассоциатив реакцияларига алоҳида тўхталиб ўтдик. Жумладан, *масҳарабоз*, *машишоқ*, *раққоса*, *актёр*, *актриса*, *артист*, *ашулачи*, *дорбоз*, *муаллакчи* сўзларининг ассоциатив реакцияларини таҳлилга тортдик.

Масҳарабоз, *машишоқ* ва *раққоса* сўзларининг реакцияларини кўриб чиқамиз. Ушбу сўз-реакциялар эркин ассоциатив усули тажрибасида олинган. “Санъат” архисемали ассоциатив майдонлар лексемалари таҳлилга тортилди [6].

Масҳарабоз

Кулгили-12; цирк-10; кулги-8; ёқимсиз-3; кулдирмоқ-5; кулгили одам-4; инсон-4; кулги улашувчи-2; кулги устаси-2; икки юзи қизил одам-2; одам-2; жинни-1; болалар кулгиси-1; ижодкор-1; тентак-1; кулдирувчи-1; қизиқ-1; қизил бурун-1; ёқимтойлик-1; кўзбўямачи-2; дард эгаси-1; ғайриоддий кийинган киши-1; масҳара-1; кулгили саҳна кўринишларининг ижрочиси-1; одамга хуш кайфият бағишловчи-1; цирк ўйинчиси-2; оққўнгил инсон-1; аянчли-1; қизил доира-1.

Масҳарабоз сўзининг ассоциатив майдонини қуйидаги когнитив қатламларга бўлиб, уларнинг фреймларини белгилаш мумкин:

1. Кулги ҳолати - кулгили-12; кулги-8; кулдирмоқ-5; кулгили одам-2; кулги улашувчи-2; кулги устаси-2; болалар кулгиси-1; кулдирувчи-1.
2. Тақдимот жойи – цирк-10, қизил доира-1.
3. Шахс – кулгили одам-4; инсон-4; одам-2; оққўнгил инсон-1.

4. Касб - цирк ўйинчиси-2; кўзбўямачи-2; кулгили саҳна кўринишларининг ижрочиси-1; ижодкор-1.
5. Ҳиссиёт – ёқимсиз-3; ёқимтойлик-1; одамга хуш кайфият бағишловчи-1; кизиқ-1.
6. Кўриниш – ғайриоддий кийинган киши-1; икки юзи қизил одам-2; қизил бурун-1.
7. Раҳм қилиш – дард эгаси-1; аянчли-1.
8. Мазах – жинни-1; масхара-1; тентак-1.

Кўп ёки оз миқдорда такрорланаётган реакцияларга асосан масхарабоз ассоциатив майдонини шартли равишда ядро, асосий базаси, яқин ва узоқ периферияларга ажратиш мумкин [7]. Концепт жамият, унинг кадриятлари ва қарашлари ўзгаришини инobatга олган ҳолда динамик ўлчам ҳисобланади[4]. Шунинг учун берилган сўзларга сўз-реакцияларини шартли равишда қатламларга бўлишга қарор қилдик. Шу ўринда ассоциатив реакцияларининг вужудга келишига кишининг бутун ҳаёти давомида шаклланган шахсий тажрибаси таъсир этади [8].

Масхарабоз ассоциатив майдоннинг *кулги ҳолати* когнитив қатламининг реакциялари юқорироқ бўлганлиги туфайли майдон ядроси сифатида қабул қиламиз, база қатлами эса *тақдимот жойи* ва *шахс* қатламларини ифодалайди. Яқин перифериялари *касб* ва *ҳиссиёт*, узоқ перифериялари эса *кўриниш*, *раҳм қилиш* ва *мазах* каби қатламларни ташкил этади. Ядро қатламини майдон маркази сифатида, база қатламини эса периферияларга ўтиш қатлами сифатида изоҳлаймиз [9].

Машишоқ

Одам-10; қўшиқчи-7; созанда-7; ашулачи-6; куйчи-5; хонанда-4; куй-2; куйловчи-2; ҳофиз-2; мақомчи-2; дутор-2; артист-2; мумтоз-1; инсон-1; жонкуяр-1; қашшоқ-1; тор кўча-1; санъаткор-1; кўнгил олувчи-1; дуторчи-1; соз чалувчи-1; хонанда-1; қўшиқ айтувчи-1; актёр-1; дилолар-1; дарвеш-1.

Ушбу ассоциатив майдон қуйидаги когнитив қатламлар орқали ифодаланади [10]:

1. Касб – *қўшиқчи-7, созанда-7, ашулачи-6; куйчи -5; хонанда-4; ҳофиз-2; мақомчи -2; артист-2; санъаткор -1, дуторчи-1; соз чалувчи-1; қўшиқ айтувчи -1; актёр-1;*
2. Шахс – *одам- 10, инсон -1.*
3. Мусиқа - *куй-2; куйловчи-2; мумтоз-1.*
4. Қашшоқлик – *дарвеш-1, қашшоқ-1, тор кўча -1.*
5. Руҳий ҳолат, кайфият – *кўнгил олувчи -1; жонкуяр-1; дилолар -1.*
6. Мусиқий асбоб – *дутор -1.*

Кўришиб турибдики, ушбу ассоциатив майдон ўзбек тилининг ўзига хослигини, синонимларни нақадар кенг ишлатиш мумкинлигини ифодалайди [11]. *Машишоқ* сўзига 9 синоним, шу қаторда, *касб* англатувчи сўзлар ассоциатив майдоннинг ядросини шакллантиради. Кейинги қатламлар *шахс* ва *мусиқа* базасини шакллантириб, *қашшоқлик*, *руҳий ҳолат*, *кайфият* ва *мусиқий асбоб* каби сўзлар периферияларни белгилайди. *Дарвеш*, *қашшоқ* ва *тор кўча* каби сўз ва сўз бирикмалари тарихий омили билан ажралиб туради. Маълумки, *машишоқ* берилган сўзи ‘*халқ мусиқий асбоблар чалиб нонини топадиган созанда*’ маъносини ифодалайди. Шунинг учун *машишоқ* сўзига қадимдаги *тор кўчалар*, *қашшоқ* ва *дарвеш* сўзлари бевосита тарихни ифодалайдиган реакциялар

бўлиши мумкин. Бунда биз буларни мазмуний реакция сифатида кўрамиз. Лекин, *қашшоқ* сўз-реакцияси *машшоқ* сўзига фонетик реакция сифатида келиши мумкинлигини ҳам таъкидлаймиз [12].

Раққоса

Ўйинчи-17; санъаткор-9; ижрочи-7; рақсга тушувчи-6; қиз-6; аёл-4; чиройли қизлар-4; қизлар-2; чиройли-2; лазги-1; нозик ҳаракатланувчи-1; артист-3; кеча-1; тановарчи-1; шаддод-1; тановар-1; узун соч-1; одам-1; ялтироқ либос-1; куй-1; миллий либос-1; ўйинга тушувчи-1; нафосат-1; рақс-1; жозибатор-1; нозик-1.

Берилган сўзни қуйидаги когнитив белгилари бўйича фреймларга ажратишимиз мумкин:

1. Касб – *ўйинчи* -17; *санъаткор*-9; *ижрочи*-7; *рақсга тушувчи* -6; *артист*-3; *тановарчи*-1; *ўйинга тушувчи*-1;
2. Аёл жинси - *қиз*-6; *аёл*-4; *қизлар*-2;
3. Ижобий тасвир - *чиройли қизлар*-4; *чиройли*-2; *нафосат*-1; *жозибатор*-1;
4. Либос – *ялтироқ либос*-1; *миллий либос*-1;
5. Ҳаракатланувчи - *нозик ҳаракатланувчи*-1; *ўйинга тушувчи*-1;
6. Рақс – *рақс*-1; *лазги* -1; *тановар*-1;
7. Шахс – *одам* -1;
8. Раққосалар белгиси – *узун соч*-1;
9. Такдимот жойи – *кеча*-1;
10. Салбий тасвир – *шаддод* -1;
11. Мусиқа – *куй* -1.

Аксарият реакциялар *касб* билан боғлиқ когнитив қатламни кўрсатмоқда, реакцияларнинг умумий сони 45та. Касб аңглатувчи сўзлар ижобий ва салбий характерга эга бўлиши билан ажралиб туради [13]. *Ўйинчи* (17) сўз-реакцияси ‘менсимаслик’ семемасига эга, чунки ўзбек менталитетида раққосалик касбига нисбатан еңгилтаклик белгиси сифатида қаралади. *Рақсга тушувчи* (6) ижобий маъно билдиради. Ушбу реакциялар майдон ядросига тааллуқли. Кейинги қатламлар *чирой*, *аёл жинси*, *ижобий тасвир* база қатлами, ундан кейинги қатламларда 2та ёки 1та реакциялар бўлиб, улар майдон перифериясини ташкил этади.

Актёр сўзига келган ассоциатларнинг алоҳида фреймларини ажратишда *касб* номли слот ёки когнитив қатлам – *санъаткор* -12; *роль ўйновчи (киши)* – 10; *артист* -1; *раққос* -1 ассоциатив реакцияларидан иборатлигини кўриб турибмиз. Актриса сўзининг *касб* қатламини ташкилланган ассоциатлар *санъаткор* -12; *роль ўйновчи* – 6; *артист* -1; *ижрочи* -1; *актёр*-1. *Касб* когнитив қатламининг ассоциатлари бир хиллиги кўриниб турибди. *Актёр* сўзига *шахс* когнитив қатламининг *ҳамманинг эътиборидаги шахс* -1; *Эржюль Пуаро* -1; *Заҳриддин* -1; *Азиз Ражабов* -1; *Николас Кейтч* -1; *Сергей Безруков* -1; *Улугбек Қодиров* -1; *Ёдгор Саъдуллаев*-1 каби таниқли актёрлар исми ва фамилияси берилган. *Актриса* сўзи, албатта, аёл жинсини ифодалаб, бунга тааллуқли ассоциатларни белгилайди. *Жумладан*, *аёл* - 6; *чиройли қиз / аёл* – 5 каби ассоциатларни келтиради [14].

Тасвир когнитив слот ёки қатлам каторига *актёр* сўзи орқали *машҳур* -4; *келишган* -3; *маҳорат* -2; *маҳоратли* -1; *серқирра ижодкор* -1; *қобилият* -1; *талант* -1; *қувноқ* -1; *хушёр* -1; *маъсулиятли* -1; *бурни осмон* -1; *алдоқчи* -1; *сахна қаҳрамони*-1 кабиларни киритсак; *актриса* сўзига *гўзаллик* -3; *маҳорат* -3; *чиройли* -2; *гўзал* -2; *ижодкор* -1; *ҳаё-*

1; қобилият -1 сўз-реакцияларидан иборат бўлиши кўзга ташланади. *Маҳорат, қобилият, ижодкор* сўзлари умумий белгига эга бўлиб, эркак ва аёл жинсини ифодалаш учун қўлланади. *Келишган* сўзи актёр сўзига ассоциат бўлиб келди, аёлларга хос сўзлар- чирой, гўзалликни ифодалувчи реакциялар *гўзаллик, чиройли, гўзал. Ҳаё* сўзи ўзбек аёлларга хос, шарқ менталитетига хос тушунча ҳисобланади. Шунинг учун бу сўзни актриса сўзи билан вужудга келгани бежиз эмас, лекин бошқа миллатга мансуб кишиларда ушбу сўз вужудга келмаслиги ҳам мумкин. *Бурни осмон* ва *алдоқчи* каби метафорали ассоциатлар ҳам *актёр* сўзига тааллуқлиги маълум бўлди. *Алдоқчи* сўз-реакцияси ўзининг ҳосила маъноси билан ажралиб туради [15].

Фаолият билан боғлиқ бўлган *кино, фильм, театр* сўз-реакциялари ҳам берилган икки сўзга тааллуқли, лекин ассоциатлар миқдори турлича бўлиб келмоқда. Ушбу икки берилган сўзлар ўртасида сўз-реакциялари такрорланиб, деярли бир хил, фарқли жиҳати *актриса* сўзи аёл жинсига мансуб сўзни ифодалаганлиги туфайли унинг ассоциатлари фарқланади.

Артист сўзининг ассоциатив реакциялари *актёр* ва *актриса* сўзларининг ассоциатларидан фарқланади. *Касб* когнитив қатламига *санъаткор -20; қўшиқчи -5; ашулачи -3; рассом -2; қаламкаш -2; масхарабоз-1; ижодкор -1; қизиқчи -1* ассоциатларини киритдик. Ассоциатив тажрибада биз ўзбек филология факультети ва чет тиллар факультети талабаларининг жавобларини таҳлил қилдик [16]. Инглиз тилида *артист* сўзи нафақат *актёр*, балки *рассом* тушунчасини ифодалайди. Шунинг учун бу сўзга тааллуқли *рассом, қаламкаш* сўзларини учратиш мумкин. Айрим ҳолатларда чет тиллари факультети инглиз тили талабалари турли берилган сўзларга ушбу сўзларнинг инглиз тилида таржимасини таклиф қилишлари ҳам учраб турибди. *Артист* ассоциатив майдонининг когнитив қатламларини қуйидаги фрейм орқали шакллантирдик:

1. *Касб - санъаткор -20; қўшиқчи -5; ашулачи -3; рассом -2; қаламкаш -2; масхарабоз-1; қизиқчи -1; ижодкор -1; актриса -1.*
2. *Тасвир - машҳур -3; гўзал -1; жозибали -1; касб устаси -1; кўнгил куйчиси -1.*
3. *Муסיқа - ижро -4; қўшиқ -1; муҳаббат куйлари -1; куйлайди -1.*
4. *Қатнашган жойи - кино -2; сериал -1.*
5. *Буюм (жараёнда ишлатиладиган) - грим -1; рўмол -1; микрофон -1.*
6. *Шахс - одам -1; қобилиятли инсон -1. (Илова 3)*

Артист сўзи *актёр* сўзидан кенгроқ кўламда ишлатилади. Ушбу сўз нафақат кино ёки театрда ўйновчи шахсни ифодалайди, балки цирк ёки муסיқага тааллуқлилиги билан ажралиб туради.

Ашулачи, хонанда сўзлари *машшоқ* сўзига синоним ҳисобланади.

Касб когнитив қатламларини кўриб чиқайлик:

Когнитив қатлам	Машшоқ	Ашулачи	Хонанда
<i>касб</i>	<i>қўшиқчи -7, созанда-7, ашулачи-6; куйчи -5; хонанда-4; ҳофиз -2; мақомчи -2;</i>	<i>қўшиқчи- 21; санъаткор-8; хонанда-6; артист-2;</i>	<i>санъаткор-14, ашулачи-12; қўшиқчи-11; ижрочи-7; артист-</i>

	<p><i>артист-2; санъаткор - 1, доторчи-1; соз чалувчи-1; кўшиқ айтувчи -1; актёр-1;</i></p>	<p><i>куйчи-2; ижрочи-3. 7; куйловчи-1; ижодкор-1.</i></p>
--	---	--

Ушбу маънодош сўзларнинг касб когнитив қатламидаги сўз-реакциялари такрорланиб келмоқда, машшоқ лексемасининг *кўшиқ айтиш* семаси билан бирга *муслиқий асбоб чалиш* семаси мавжудлиги учун *доторчи, соз чалувчи* сўз-рекциялари вужудга келди.

Дорбоз

1. *Ўйинчи - арқонда ўйновчи-12; ўйинчи-8; дорда ўйновчи-5; мураккаб ҳаракатлар бажарувчи-1; ҳавода ўйновчи-1; дорчи-1; санъаткор-1.*
2. *Шахс - инсон-5; бола-1; йигит-1.*
3. *Тасвирловчи белгилар - қобилиятли инсон-4; жасур-3; мард-1; кўрқмас-1; чаққон йигит-1; эпчил шахс-1; кўрқувни унутган инсон-1; ботир-1; чопонли киши-1; кўрқмас-1.*
4. *Дорбозликка яқин касблар - полвон-5; масхарабоз-4.*
5. *Санъат - цирк-7; жанр-1; томоша-1; санъат -1.*
6. *Ҳаракатни тасвирловчи белгилар - қийин-1; моҳирлик-1.*
7. *Восита – дор-1.*
8. *Ҳаракат- жонини хавфга қўйиш-1; арқонда юриди-1.*

Муаллақчи

Дорбоз-3; одам-3; ҳавода турувчи-2; ҳаво-1; дор-1; кенг-1; фазо-1; тасвир-1; таваккал-1; инсон-1; куй-1; акробат-1; ой-1.

1. *Ўйинчи - дорбоз-3; ҳавода турувчи-2; акробат-1.*
2. *Шахс - одам-3; инсон-1.*
3. *Ҳаво - ҳаво-1; фазо-1.*
4. *Восита – дор-1.*

Дорбоз ва *муаллақчи* ўзаро синоним сўзлар бўлиб, булардан муаллақчи тарихий сўздир. Ҳозир 80та текширилаётган кишилардан *дорбоз* сўзига 78 реакция келтирилди, *муаллақчи* сўзига 18 сўз берилди. Аксарият текширилувчилар *муаллақчи* сўзи турган қаторига “тушунмадим” изоҳини берганлигини ёки умуман жавобсиз қолдирганлигини таъкидлаш мумкин. Кўриниб турибдики, кишининг ҳар қайси сўз билан боғлиқ шахсий тажрибаси шаклланади ва сўзлар киши онгида сақланади. Эскирган, яъни омма томонидан ишлатилмайдиган концепт эса янги концепт билан алмаштирилиб, архаизмлар қатламига ўтади.

Ассоциатив майдонларнинг когнитив тадқиқида концептни ментал бирлик сифатида моделлаштириш ҳамда миллат миллий концептосферасини намоён қилиш каби масалалар таърифланди. Ассоциацияларнинг когнитив жиҳатдан талқин этишда ассоциатив майдонларнинг фреймлари ва уларнинг таркибидаги слот, яъни когнитив қатламлар ажратилди ва ўзбек миллатининг менталитетига хос аспектилар изоҳланди.

REFERENCES

1. Makhmudovna, K. G. (2022). Creative Strategies to Improve Vocabulary Teaching. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 259-261.
2. Hoshimova, N. A. (2020). Ingliz va o'zbek tillarining funksional uslublari. *Молодой ученый*, (19), 584-585.
3. Карабаев, М., Абдуманонов, А. А., & Ахмедова, М. И. (2012). Компьютерная программа для формирования иноязычной профессиональной коммуникативной компетенции студентов медиков. *Свидетельство Патентной ведомстве Республики Узбекистан N: DGU, 2453*.
4. Isaqjon, T. (2022). Strategies and techniques for improving EFL learners' reading skills. *Involta Scientific Journal*, 1(11), 94-99.
5. Ahundjanova, M. (2022). THE NEEDS FOR IMPROVING LEARNERS' AUTONOMY IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES—AS A KEY FACTOR TO BOOST LANGUAGE LEARNERS. *Science and innovation*, 1(B6), 390-392.
6. Gafurova, N. (2020). Ҳозирги замон тилшунослигида “Термин” ва унга турлича ёндашувлар. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(1), 58-62.
7. Khasanovna, G. D. LEXICAL SEMANTIC ANALYSIS “EDUCATIONAL ESTABLISHMENTS” IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.
8. Mirzaaliyev, I., & Oxunov, A. (2021). EKVIVALENTSIZ LEKSIKANING O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA IFODALANISHI. *Academic research in educational sciences*, 2(6), 209-212.
9. Абдухалимова, С. (2022). THE CONCEPT AND CONTENT OF INTERCULTURAL DISCOURSE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 5(4).
10. Abdumutaljonovna, P. S. (2022). Main Characteristics of Advertising Discourse in Modern Linguistics. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 173-176.
11. Ismoilova, G. (2021). FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR KLASSIFIKATSIYASI. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
12. Kuchkarova, Z. (2021). COMPARATIVE STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS VERBALIZING THE CONCEPT OF" WEDDING" IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
13. Qizi, O. S. Z., & OGI, A. M. B. The Influence of Multilingualism in Learning a New Language.
14. Abdullayevna, K. N. (2022). Aphorisms in Different Language Systeme Linguoculturological Research. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(6), 325-328.
15. Nozima, G. (2021). Замонавий тилшуносликда термин тушунчаси ва кўп компонентлик терминларнинг тахлили. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(6).
16. Oxunov, A. O. O. (2021). INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA UNDOV SO'ZLAR (INTERJECTION) NING IFODALANISHI. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 401-406.
17. Abdumutaljonovna, Pakirdinova Sharofat. "The function and peculiarities of advertising text in linguistics." *Confrencea 1.1* (2022).